

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**АРХЕОЛОГИЯ,
ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ
ВА ЭТНОГРАФИЯ
МАСАЛАЛАРИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Археолог олим, меҳрибон мураббий
профессор Давид Натанович Лев
таваллудининг 100 йиллигига бағишланади.*



**АРХЕОЛОГИЯ, КАДИМГИ ДУНЁ
ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯ
МАСАЛАЛАРИ**
(илмий мақолалар тўплами)

Самарқанд – 2006

деҳқончиликни кашф қилган қабилаларнинг дастлабкиларидан бўлиб чиқди. Тарихий тараққиёт жараёнида, хусусан, металлдан меҳнат куруллари ишлаб чиқишнинг юзага келиши, шу асосда суғорма деҳқончилигининг ривожланиши цивилизациянинг муҳим омиллари сифатида бу ҳодиса протокишлоқлар, кишлоқлар ва протошаҳарлар, илк шаҳарларнинг ташкил топиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, воҳа марказ шаҳарларининг ва шаҳар давлатларнинг ташкил топишида муҳим рол уйнаган. Жанубий Ўзбекистон сарҳадларида Қадимги Шарқ (Месопотомия) цивилизациясининг янги, мустақил Ўзбекистон ўчоғи ташкил топган. Бу манзара мамлакатимиз ҳудудида ташкил топган илк маданият излари, шунингдек, шаҳарсозлик ва илк давлатчилик жараёни ўзга юртлардан кириб келган ҳодиса эмас, балки туб, маҳаллий мағизда эволюцион йўл билан узлуксиз ривожланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда ташкил топганлигини кўрсатмоқда. Асл манбаларга асосланган бу тарихий жараён миллий маданиятимизнинг умумбашарий кадриятлар билан боғлиқлигидан гувоҳлик бериб турибди.

А. Ярқулов

КОСОНТЕПА – ЖАНУБИЙ СЎҒДНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ШАҲРИ

Қашқадарё воҳасида археологик тадқиқотлар ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланган бўлса-да, 70-йилларига келганда энг маҳсулли изланишлар ўтказилди. Бу изланишлар натижасида қуйи Қашқадарё воҳасида кўпгина шаҳар ва кишлоқ харобалари топиб ўрганилади. Қуйи Қашқадарёнинг ўзига хос томони шундаки, у Қашқадарёнинг юқори оқимидан иқлим жиҳатидан кескин фарқ қилади. Бу ерда текислик чўл ва даштликлар билан бевосита туташиб кетганлиги учун деҳқончилик билан бир қаторда чорвачиликка ҳам катта аҳамият берилган. Қадимги даврлардан бошлаб кишлоқ ва шаҳарларнинг барпо бўлишида сув манбалари катта аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам шаҳар ва кишлоқларнинг кўпчилиги дарёлар бўйида ташкил топган. Ўз навбатида бу уларнинг муҳофаа қилиниши мустаҳкамлайдиган омиллардан бири ҳам ҳисобланади. Қашқадарёнинг қуйи қисмида жойлашган қадимги шаҳарлар асосан Бухоро воҳаси билан савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйган ва уларнинг кўпчилиги буюк ипак йўлидаги муҳим шаҳарлар ҳисобланган.

Ана шундай шаҳарлардан бири ҳозирда Косонтёпа деб ном олган тепаликка айланган шаҳар харобаси ҳисобланади. Ушбу шаҳар харобаси Косон шаҳридан жануби-шарқда жойлашган археологик ёдгорликдир. Косонтёпа 200x150 м. майдонни эгаллаган тепалик(ҳозирги кунда бузилиб кетган) бўлиб, атрофи 8-12 м. баландликдаги муҳофизат девори билан ўраб олинган. Тепалик шимолдан жанубга томон кўтарилиб боради. Ёдгорликнинг қуйи қатламлари қурилиш қолдиқларидан иборат бўлиб, тадқиқотларга кўра эр.авв.1 асрдан то мўғуллар босқинига қадар шаҳарда ҳаёт мавжуд бўлган. Косонтёпани ўрганиш ишларида 1981 йилда Р.Х.Сулаймонов ва М.Х. Исомиддиновлар томонидан ўтказилган археологик тадқиқотлар, айниқса муҳимдир. Тепаликда иккита шурф қазилган бўлиб, биринчиси материккача етган, иккинчиси эса тугалланмай қолган. Шундай бўлса-да, улар бир-бирини тўлдирувчи материаллар бериши билан аҳамиятлидир.

Археологик қазилма ишлари натижасида бу ердан бир-биридан қизиқарли маълумотлар берувчи сопол, шиша, темирчилик буюмлари топилганки, улар бу шаҳар ҳаёти, мавжуд бўлган даврини аниқлашга ва изоҳлашга ёрдам беради.

Топилган материалларнинг кўпчилигини сопол буюмлар ташкил қилади. Бу сопол буюмларни ясашига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) қўлда ясалган буюмлар; 2) кулолчилик чархида ясалган сирланмаган буюмлар; 3) сирланган сопол буюмлар. Тўпланган материаллар Косонтёпанинг стратиграфик устунини аниқлашга ёрдам беради. Сопол буюмларнинг кўпчилиги хум, хумча, хурмача, тоғора, қозон, кўза, товок, коса, чироғдон ва бошқалардан иборат бўлиб, ҳар хил шакл ва нақшларга эгаллиги билан характерланади. Бу кулолчилик маҳсулотларининг кўпчилиги нақшлар билан безатилган бўлиб, улар геометрик, босма, ўсимлик гулли ёки ўсимлик баргли, шунингдек тўлқинсимон чизикли нақшлардан иборатдир. Айрим ҳолларда зооморфик ёки антроморфик нақшларнинг мавжудлиги ҳам кузатилади. Сопол буюмларнинг кўпчилиги турли хил рангдаги ангоблар билан рангланган. Идишларга ранг бериш Ўрта Осиёнинг барча деҳқончилик воҳаларида деярли бир хил олиб борилган.

IX асрдан бошлаб бутун Ўрта Осиёда сирли сопол идишларнинг тарқалишини кўришимиз мумкин. Бу ҳодиса Қашқадарё учун ҳам хос бўлиб, дастлабки сирланган сопол

идишларда идишнинг бутун ички ва ташки томони таг қисмигача сир билан қопланганини кузатиш мумкин. Мана шу даврдан бошлаб сопол буюмларда ўсимлик гулли нақшлар кўпроқ қўлланила бошлайди. Шу билан бирга нақш-безак сифатида IX асрдан бошлаб ёзувлардан ҳам фойдалана бошлаган. Бу эса ўша даврда хунармандлар орасида ҳам саводилик даражаси юқори бўлганлигидан далолат беради. Кулолчилик техникасидаги ривожланишни эса сопол буюмлар турларининг кўпайишида ҳам кўриш мумкин. Бундай маҳсулотларга товоқ ва ликопчалар киради. Улар кулолчилик чархнинг айланиш тезлигини ошириш йўли билан ясалган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Косонтёпада ҳаёт эр. авв. I асрдан бошлаб мавжуд бўлган. Бу даврда Урта Осиёда иккита йирик империя мавжуд бўлган бўлиб, Нахшаб вилоятининг қайси империя таркибига кириши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Қашқадарёдан топилган кўплаб сопол буюмларни солиштириб кўрсак шу манзара кўринадики, Қанг империяси ёки унинг таъсири милонинг бошларида Қашқадарёгача етиб келмаган. Демак, қадимги Сўғд милонинг бошларида шимолда катта Қанг империяси билан ва жанубда Кушонлар империяси билан чегараланган. Қашқадарё ҳудудига ёт маданиятнинг кириб келиши анча кейинроқ бошланган. Сопол ишлаб чиқаришдаги бундай катта ўзгариш аҳоли таркибининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, шу давр билан шугулланувчи олимлар ўртасида илмий мунозараларни келтириб чиқарган. Бу даврда юз берган ўзгаришларни ҳар бир ёдгорликда кўришимиз мумкин. Юз берган жараёнларга олимлар томонидан ҳар хил фикрлар айтиб келинмоқда. Айрим олимларнинг (С.П.Толстов) фикрича, бу даврдаги сополларнинг сифатсиз бўлиб кетишига қулдорлик формациясининг инкирозга юз тутганлиги сабабдир. Баъзи бир олимлар (С.К.Кабанов) Қашқадарёдаги моддий маданиятнинг қўполлашиб кетишини кидаритларни шу воҳага кириб келиши билан, аксарият олимлар (И.Е.Массон, Г.В.Шишкина, С.Б.Лунина, Р.Х.Сулаймонов ва бошқалар) шимолда Сирдарё воҳасидаги «қовунчи маданияти»нинг аста-секинлик билан жанубга таъсир этгани билан боғлайдилар.

Косонтёпада ҳам бу жараённинг изларини кўришимиз мумкин. Косонтёпа дастлаб ташкил топган даврда кичик бир манзилгоҳ сифатида мавжуд бўлса-да, IV асрдан бошлаб кўчиб кира бошлаган кўчманчиларнинг ўтроқлашиши натижасида йириклашиб шаҳар кўринишини ола бошлайди. Эфталитлар,

Турк ҳоконлиги даврларида савдо муносабатлари ривожланиши кўзга гашланади. Савдонинг ривожланиши эса ўз навбатида хунармандчиликнинг ривожланиши ва шаҳар ҳудудининг ўсиб боришига олиб келади. Кейинги асрларда Косонтёпа ўз иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаб боради. XI-XII асрларга келганда Косонтёпа Қашқадар воҳасининг йирик савдо-хунармандчилик марказларидан бирига айланади. Бу ерда ишлаб чиқарилган хунармандчилик маҳсулотларининг турли-туманлиги бизга шу ҳақда гувоҳлик бермокда.

XIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёга бостириб кирган мўғул bosқинчилари кўпгина шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб ташлагани барчамизга маълум. Бундай bosқиндан кейин кўпчилик шаҳарлар ўзларини қайта ўнглай олишмаган. Шундай шаҳарлар қаторига Косонтёпа ҳам киради.

Шундай қилиб, Косонтёпадан археологик қазиш ишлари натижасида қўлга киритилган моддий ашёвий манбалар бу шаҳарчанинг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади. Бу шаҳар илк ўрта асрларда Буюк ипак йўли устида жойлашган ва ўз мавқеи жиҳатидан Қашқадарё воҳасида жойлашган йирик савдо-хунармандчилик марказларидан бири бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

Кабанов. С.К. Нахшеб на рубеже древности в средневековья (III-VII вв.). -Ташкент, 1977.

Исомитдинов. М.Х. Сополга битилган тарих. -Тошкент: Фан, 1993.

Турабеков. М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда. Каракалпакстан, -Нукус, 1990.

Исамиддинов. М.Х., Хасанов.М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. -Ташкент, 2000.

А.Н.Ульянова

К ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ КАРЛУКОВ УЗБЕКИСТАНА

Этногенез и этническая история – важнейшая проблема общесторической науки. Подлинные исторические знания о своем происхождении играют неоценимую роль в развитии этнического сознания, оказывают существенное воздействие на характер национальных взаимодействий.

МУНДАРИЖА

<i>Журақулов М.Ж.</i> Археолог олим, педагог – мураббий.....	3
<i>Тошкенбоев Н., Шарипов С.</i> Лев – атоқли археолог олим ва мураббий.....	11
<i>Аминов Ҳ.</i> Камтарин инсон.....	13
<i>Аванесова Н.А.</i> Археологический музей-лаборатория Самаркандского госуниверситета.....	15
<i>Журақулов М.</i> Фан чорраҳаларида.....	19
<i>Холматов Н.У.</i> Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри гор типидagi маконларнинг ўрганилиши тарихидан.....	24
<i>Журақулова Д.М.</i> Ўрта Осиё жанубий сарҳадларидаги илк шаҳарларнинг ташкил топиш хусусиятлари саҳифасидан.....	35
<i>Абриев Р.Б., Эргашев О.</i> Самарқанд воҳаси палеолит ёдгорликларининг мамлакатимиз тарихи ўлкашунослигида туган ўрни.....	49
<i>Журақулова Д.М.</i> Маданият тарихимиз сарчашмаси саҳифасидан.....	57
<i>Ярқулов А.</i> Косонтепа – Жанубий Сўғднинг илк урта асрлар шаҳри.....	60
<i>Ульянова А.Н.</i> К истории изучения карлуков Узбекистана.....	63
<i>Тилавов А.Л.</i> Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари ҳинд тадқиқотчилари талқинида	72
<i>Ибрагимов О.О.</i> Чорвадорлар турмуши тарихидан.....	75